(?-1868)
(1863-1865)

Кўкон хонлигида Султон Сайидхон 1863-йил июлда киргизлар ва кипчоклар амири лашкар Алимкул бошчилигида хокимятни эгаллаган. Султон Сайидхон номигагина хон килиб кўтарилган, амалда давлат ишлари Алимкул кўлида бўлган. Рус кўшинлари бу пайтда Янгикўргон, Пишпак, Марки, Авлиёота, Туркистон, Чимкентни босиб олишган. 1865-йил бахорида М.Г. Черняев бошчилигидаги кўшин Тошкентни камал килган. Султон Сайидхон Алимкул билан бирга Тошкент мудофаасига рахбарликни ўз кўлига олган. Алимкул жангда ўлдирилгач, киргиз ва кипчоклар кўшини Кўконга кайтиб келиб, тахтга бошка хонни ўтказиш пайига тушган. Тарихчи Мухаммад Солихнинг ёзишича, Тошкент халки Султон Сайидхонга содик колиб, уни кайта хонлик тахтига ўтказишади. Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, Кўкондан мустакиллигини намойиш этади. Султон Сайидхон Россия тажовузига карши ёрдам сўраб Туркия султонига, Бухоро амирига ва Кўконга элчилар жўнатган. Бухорога себзорлик эшон Хакимхўжа козикалон бошчилигида хар дахадан тўрт оксокол юборилади. Бухоро амири ўз мактубида Султон Сайидхон унинг хузурига келиб бўйсуниши ва шундан кейингина Тошкентга ёрдам бериши мумкинлигини ёзган. Амирнинг бу талаби колдирилган.